

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Уч.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВ ФИРУЗ БАХТИЁР ЎҒЛИ

**ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИДА МАНФААТЛАР
ТУҚНАШУВИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси .
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy
(PhD)**

Махмудов Фируз Бахтиёр ўғли

Давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олишнинг
ташкилий-ҳуқуқий механизмлари3

Makhmudov Firuz Bakhtiyor ugli

Organizational-legal mechanisms for preventing Conflict of interest in Public civil
service.....23

Махмудов Фируз Бахтиёр угли

Организационно-правовые механизмы предупреждения конфликта интересов
на государственной гражданской службе43

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВ ФИРУЗ БАХТИЁР ЎҒЛИ

**ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИДА МАНФААТЛАР
ТУҚНАШУВИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси .
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ҳу467 рақам билан руйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетиди бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хайитов Хушвақт Сапарбаевич, юридик фанлар доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Якубов Шухрат Умматалиевич, юридик фанлар доктори, профессор в.б. Хусанов Улугбек Шухратжонович, юридик фанлар номзоди
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Ҳу 22 02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 9 октябрь соат 10:00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кучаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (976-рақам билан руйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кучаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «17» сентябрда тарқатилди.
(2021 йил «7» сентябрдаги 10-рақамли реестр баённомаси).



Р.Р.Ҳақимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

И.Р.Беков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор в.б.

М.А.Ахмедшаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, улар фаолиятига очиқ ва шаффоф механизмларни жорий этган ҳолда коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича амалий ҳаракатларни кучайтириш муҳим омилга айланиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси ҳам ҳар бир аъзо давлатга ўзининг ички ва ташқи сиёсатидан келиб чиқиб, коррупция ва унинг турли кўринишларига муносиб қарши курашиш мажбуриятини юклайди. Сўнги йилларда қўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон 2019 йилда Transparency International ташкилотининг «Corruption Perceptions Index»да 180 та мамлакат орасида 25 балл билан 153-ўринни қайд этган бўлса, 2020 йилда 7 поғона юқорилаб, 26 балл билан 146-ўринни эгаллади¹.

Жаҳонда глобализация жараёнларининг тобора ривожланиши сабабли давлат ва нодавлат секторда коррупция ва унинг бир кўриниши бўлган манфаатлар тўқнашувининг замонавий ва яширин кўринишлари юзага келмоқда. Шу жиҳатдан, ҳар бир мамлакат ўзининг ички ҳуқуқий тизими, коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва ҳуқуқий позициясидан келиб чиқиб, мавжуд амалиётни такомиллаштириш ва соҳага замонавий стандартларни тағбиқ этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлат фуқаролик хизмати органларида парламент ва жамоатчилик назорати шаклларини янада кучайтириш, фаолиятни электронлаштириш, давлат фуқаролик хизматчиларининг коррупцион ҳаракатлардан ҳоли бўлган янги авлодини яратиш ва фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш устувор йўналиш сифатида долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда давлат фуқаролик хизматини янада ислоҳ қилиш, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, самарали меҳнат фаолиятини олиб борадиган замонавий давлат хизматчиларини тайёрлаш бўйича кенг қўламли ислохотлар, амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сўнги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида соҳани тартибга солиш билан бир қаторда, давлат фуқаролик хизматини шаффоф, қонуний ва адолат мезонлари асосида ишлайдиган, коррупция ва унинг турли кўринишларидан ҳоли тизимга айлантириш бўйича ишлар кучайтирилмоқда. «Коррупцияга қарши курашининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш»² қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги ЎРҚ-419-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга

¹ <https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/nzl>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

барои кўришни тавонган аниқ таъкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-3739-сон, 2019 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида давлат раёни ва давлат фуқаролиги аниқлиги тизимини тубдан таъкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-5843-сон, 2020 йил 29 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашни тизимини таъкиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПФ-6013-сон, 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши муроасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сон фармонлари ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашуви ва унинг юридик табиати, коррупциянинг кенг тарқалган кўринишларидан бири сифатидаги аҳамияти ва ўрни, манфаатлар тўқнашувини олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, шунингдек манфаатлар тўқнашувини баргараф этишга оид халқаро стандарт ва хорижий давлатларнинг тажрибаси мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Мамлакатимизда манфаатлар тўқнашувига оид илмий-назарий қарашлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш ва бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган илмий тадқиқотлар доирасида олиб борилган. Хусусан, давлат бошқаруви органларида коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган умумназарий фикрлар миллий олимларимиздан А.Саидов, З.Исломов, О.Хусанов, М.Рустамбаев, Р.Ҳақимов, Ш.Якубов, Н.Салаев, Х.Хайитов, Л.Муҳаммаджонова, Ж.Нематов ва Г.Нурмухаммедовалар томонидан илгари сурилган бўлса, бевосита манфаатлар тўқнашувига оид тадқиқот ишлари Б.Ахраров, Р.Зуфаров, Б.Исмоилов, Б.Мирбобоев, Э.Ҳожиев, Н.Саид-газиева, У.Хусаинов, Ж.Юсубовлар³ томонидан олиб борилган.

Хорижий мамлакатларда манфаатлар тўқнашуви ҳамда уни олдини олиш, аниқлаш ва ҳал этиш механизмларига оид тадқиқот ишлари анча чуқур ва кенг доирада олиб борилганлигини кўриш мумкин. Бу борадаги илмий тадқиқот ишлари А.Цыбикова, А.Ильяков, А.Ноздрачев, А.Кудашкин, М.Зеленов, А.Цирин, С.Цеколдин, Г.Атаманчук, Д.Дедов, М.Костенников, С.Качушкина, В.Федосенко, С.Алексеев, С.Davids, F.Zibold, S.Ackerman,

³ Мазкур илмий ишларнинг тўлиқ номи фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Stark, A.Peters, Williams, S.Batory, M.Dawson, R.Gillanders, N.Sumretphol, P.Montgomery, P.Klein, C.Petrini, R.Miller, V.Bonham va бошқа олимлар⁴ томонидан амалга оширилган.

Бироқ юқорида қайд этилганидек, миллий олимларимиз томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида давлат хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш масалалари атрофлича ва тўлиқ таҳлил қилинмаган. Шу жиҳатдан, мазкур тадқиқот ишида давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш механизмларини комплекс таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017 – 2021 й.й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ҳамда бу борада тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувининг юридик табиати ва унинг асосий хусусиятлари, юзага келишига имкон берадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш;

манфаатлар тўқнашувини олдини олишни коррупцияга қарши курашиш бўйича энг муҳим ва самарали механизм сифатида тадқиқ қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувининг норматив тартибга солиниши ва шундан келиб чиқадиган камчилик ҳамда ҳуқуқий бўшлиқларни илмий жиҳатдан бартараф этиш;

давлат органларининг манфаатлар тўқнашувини самарали бошқариш ва ҳал этиш бўйича фаолияти асосларини таҳлил қилиш;

давлат фуқаролик хизматчиларига ўрнатиладиган таққик ва чеклов масалалари, шунингдек одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиш бўйича бугунги кун амалиётини ўрганиш;

халқаро нормалар, шунингдек ривожланган хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги асосида манфаатлар тўқнашувини самарали бошқаришга оид ижобий тажриба ва ютуқларни ўрганиш;

манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал қилиш бўйича юзага келадиган муаммоларни аниқлаш, уларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

⁴ Мазкур илмий ишларнинг тўлиқ номи фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг предмети давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда конституциявий ва маъмурий ҳуқуқда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-мантикийлик, киёсий-ҳуқуқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили ва ижтимоий сўровнома каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат харидларини амалга ошириш жараёнида келиб чиқадиган манфаатлар тўқнашуви ҳақида ўз вақтида, қонунчиликда белгиланган тартибда хабар бермасликка нисбатан маъмурий жавобгарликни белгилаш таклифи асосланган;

давлат мулки объектларини хусусийлаштириш, сотиш, шунингдек хориждаги давлат мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни очик эълон қилиш, давлат мулкига тегишли маълумотларни очик ва шаффофлигини бузиш, бу борадаги маълумотларни белгиланган тартибда қайд этиш талабларини бузишга нисбатан маъмурий жавобгарликни белгилаш лозимлиги асослаб берилган;

давлат бюджети маблағларининг сарфланиши, ўзлаштирилиши устидан парламент назоратини кучайтириш, бу борада Сенат ваколатларини ошириш эҳтиёжи асосланган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиغان ҳолатларнинг мавжуд бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда манфаатлар тўқнашувини коррупциявий омил сифатида белгилаш зарурати асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти турли тармоқ ҳужжатлар билан тартибга солинганлиги сабабли ягона қонун ҳужжати асосида тартибга солиш, шунингдек чеклов ва тақиқларнинг ягона рўйхатини шакллантириш бўйича амалдаги қонунчиликка таклиф ишлаб чиқилган;

Меҳнат қонунчилигида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлик, уни олдини олиш ва хабар бериш бўйича тартибларга амал қилмасликни иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан бири сифатида белгилаш, мазкур жараёнда касаба уюшмасининг розилигини олиш талаб этилмаслигини қайд этиш, шунингдек манфаатлар тўқнашуви ҳолатини ходимни бошқа ишга ўтказиш асослари сифатида белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарликка оид қонунчилигида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабардор бўлган раҳбарнинг ўз вақтида тегишли чораларни бажармаслиги, бу борадаги ҳаракатсизлиги ёки вазиятни ноқонуний ҳал қилишига нисбатан ҳуқуқий таъсир ва жазо чораларини белгилаш заруратидан келиб чиқиб,

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни махсус модда билан тўлдириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат фуқаролик хизматчиларининг икки ёки ундан ортиқ лавозимларда (қўш лавозимда) фаолият юритишларини чеклашга оид тавсиялар ишлаб чиқилган;

манфаатлар тўқнашувини олдини олишда кенг жамоатчилик вакиллари, шу жумладан мустақил баҳоловчиларни доимий жалб этиб бориш, жамоатчилик экспертизасини ўтказиш, халқаро ташкилотларнинг коррупциядан ҳоли тизим бўйича махсус сертификатларини олиш амалиётини жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган;

давлат ва нодавлат секторда инвестициялар, қарз ва заёмлар, кредитлар жалб этиш, шунингдек норматив ва техник хусусиятга эга бўлган ҳужжатларнинг мажбурий ҳуқуқий экспертизасини жорий этиш бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таклифлар ишлаб чиқилган;

давлат органларининг коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олишга оид фаолиятини жамоатчилик назорати объектларидан бири сифатида белгилаш юзасидан қонунчиликка таклиф илгари сурилган;

давлат фуқаролик хизматчилари учун ягона одоб-ахлоқ кодексини қабул қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган илмий-назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонунчилик нормаларининг ўзаро таҳлил қилингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, натижаларнинг етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилингани, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётда, давлат фуқаролик хизмати, давлат хизматчилари ва улар фаолиятида коррупция ва манфаатлар тўқнашувига оид қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда конституциявий ва маъмурий-ҳуқуқий фанларни, шунингдек психология ва конфликтология фанларини илмий-назарий жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида конституциявий ва маъмурий-ҳуқуқий фанларни ўқитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

давлат харидларини амалга ошириш жараёнида келиб чиқадиган манфаатлар тўқнашуви ҳақида ўз вақтида, қонунчиликда белгиланган тартибда хабар бермасликка нисбатан маъмурий жавобгарликни белгилаш

ҳақидаги таклиф 2021 йил 14 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–666-сонли Қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175⁸-моддасида ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитасининг 2021 йил 8 майдаги 3-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши давлат харидлари соҳасида ўзаро таниш-билишчиликни, шахсий манфаатдорликни олдини олишга, шунингдек тендер савдоларининг рақобат асосида ўтишини таъминлашга хизмат қилган;

давлат мулки объектларини хусусийлаштириш, сотиш, шунингдек хориждаги давлат мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни очиқ эълон қилиш, давлат мулкига тегишли маълумотларни очиқ ва шаффофлигини бузиш, бу борадаги маълумотларни белгиланган тартибда қайд этиш талабларини бузишга нисбатан маъмурий жавобгарликни белгилаш ҳақидаги таклиф 2021 йил 14 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–666-сонли Қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215⁶-моддасида ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитасининг 2021 йил 8 майдаги 3-сон далолатномаси). Ушбу таклиф давлат мулки ҳақидаги маълумот ва ҳисоботларни қатъий юритиш, давлат мулкни сотиш ва хусусийлаштириш жараёнидаги очиқликни таъминлашга хизмат қилган;

давлат бюджети маблағларининг сарфланиши, ўзлаштирилиши устидан парламент назоратини кучайтириш, бу борада Сенат ваколатларини ошириш юзасидан билдирилган таклиф 2021 йил 14 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–666-сонли Қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 523–II-сонли Қонунининг 32¹⁰-моддасида ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитасининг 2021 йил 8 майдаги 3-сон далолатномаси). Мазкур таклиф давлат бюджетининг мақсадсиз сарфланишини, ноқонуний ўзлаштирилишини олдини олишга, мазкур жараён устидан парламент назоратининг кучайтирилишига хизмат қилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатларнинг мавжуд бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда манфаатлар тўқнашувини коррупциявий омил сифатида белгилаш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги 2-мқ-сон буйруғи билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий

хужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом [Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 24 февралда 3287-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган]нинг 9-банди ва Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омилларни аниқлаш методикасида ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармасининг 2021 йил 7 майдаги 24/32-71-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятларнинг мавжуд бўлиши ва келажакда келиб чиқишининг олдини олишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда 9 та (1 та хорижий нашрларда) ва тўпламлар таркибида 5 та илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари**» деб номланиб, унда манфаатлар тўқнашуви тушунчаси ва унинг юридик табиати, коррупция ва манфаатлар тўқнашуви кўринишларининг назарий таҳлили ҳамда давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ривожланиши каби масалалар таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи манфаатлар тўқнашуви тушунчасини таҳлил қилишда кўплаб олимларнинг (Б.Ахраров, Б.Исмаилов, У.Таджихонов, Н.Муродов, К.Тожибоев, Н.Саид-газиева, Р.Зуфаров, Э.Хожиев, Н.Кузнецова, А.Леденова, Р.Милнер, А.Ноздрачев, А.Иляков, Д.Дедов, Ж.Ҳоллидай, М.Давис) фикрларидан фойдаланиб, улар билан мунозарага киришган.

Хусусан, таҳлил давомида давлат фуқаролик хизмати ва унинг махсус

хизматдан фарқли жиҳатлари очиб берилган, манфаатлар тўқнашуви тушунчасининг лугавий, илмий, сиёсий, социологик ва юридик маънолари ўрганилган, коррупция ва унга қарши курашиш тизимидаги нисбати аниқлаштирилган.

Бундан ташқари, мазкур бобда манфаатлар тўқнашувининг иктисодий, мулкӣ, сиёсий категориялари таҳлил қилиниб, хорижий, хусусан ғарб олимлари фикрлари билан асосланган.

Таҳлиллар натижасида манфаатлар тўқнашуви тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифи берилган:

«манфаатлар тўқнашуви – бу шахснинг ўз хизмат вазифаларини лавозим йўриқномаларида, одоб-ахлоқ қоидаларида, шунингдек норматив ва бошқа ички локал ҳужжатларда белгиланган қоидаларга зид равишда, шахсий ёки учинчи шахслар манфаати йўлида бажариши ёки бажармаслиги натижасида шахсий ва учинчи шахслар манфаати билан давлат, жамият ва шахсларнинг қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва манфаатлари ўртасида юзага келадиган ёхуд юзага келиши мумкин бўлган қарама-қаршилик тусидаги вазиятдир».

Тадқиқотчи томонидан манфаатлар тўқнашувида нисбатан муносабат коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар доирасида олиб борилганлиги асослантирилган. Манфаатлар тўқнашуви тушунчаси ва унинг юридик табиати қатор халқаро ҳужжатлар (Бирлашган Миллатлар Ташилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси, Мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси ва бошқа) асосида таҳлил қилинган.

Манфаатлар тўқнашуви тушунчасининг асосий хусусиятлари, шакллари ва келиб чиқиш асослари ўрганилган. Хусусан, манфаатлар тўқнашувининг мазмунини шахсий манфаатдорлик ташкил этиши, шахсий манфаатдорлик нафақат давлат хизматчисининг ўзи учун, балки учинчи шахслар доирасида ҳам бўлиши мумкинлиги, давлат хизматчиси хизмат даври ва хизматдан бўшаганидан сўнг ҳам манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятда бўлиши мумкинлиги илмий жиҳатдан асослантирилган.

Жамиятда манфаатлар тўқнашувини тушунишга нисбатан тор ёндашув шаклланганлиги аниқланган, яъни аксарият шахслар коррупциоген жараён сифатида пора олиш, бериш ва воситачилик қилиш билан боғлиқ ҳолатларни тушуниши қайд этилган. Мазкур масала юзасидан ўтказилган ижтимоий сўровнома натижаларига кўра 26.4 % респондент манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотга эга эмаслиги ёки бошқа масалани тушунишини кўрсатган. Шу сабабли, манфаатлар тўқнашуви масаласига махсус ҳуқуқий ёндашув зарурлиги исботланган.

Диссертант коррупция ва манфаатлар тўқнашуви шакллари ва ўзига хос хусусиятларини кўплаб олимлар (Г.Саттаров, У.Мирзаев, Р.Зуфаров, Б.Исмаилов, С.Ниёзова, А.Болй, Р.Гилландерс, Т.Глазырин, А.Ильяков, А.Грайсар) фикрлари асосида таҳлил қилиб, коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг ўзаро нисбатини ёритиб берган. «Коррупцияга қарши курашиш», шунингдек ваколатли давлат органлари томонидан муайян тартиб ва босқичлар асосида манфаатлар тўқнашувида қарши курашиш, уни барвақт олдини олиш, содир бўлганда эса тегишли ҳаракатларни амалга оширишни

назарда тутадиган «манфаатлар тўқнашувини олдини олиш механизми» тушунчаларига қуйидагича муаллифлик таърифини берган:

«коррупцияга қарши курашиш – бу ваколатли давлат органлари ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик вакиллари ва фуқароларнинг коррупция ва унинг турли кўринишларини ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва муносиб ҳал қилиш, шунингдек оқибатларини минималлаштириш бўйича комплекс фаолияти»;

«манфаатлар тўқнашувини олдини олиш механизми – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, олдини олиш ва ҳал этишга қаратилган, муайян босқич ва тартиблар асосида амалга ошириладиган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи».

Тадқиқот ишида манфаатлар тўқнашуви бевосита коррупция элементлари билан боғлиқлигидан келиб чиқиб, икки тушунчанинг нисбати аниқлаштирилган. Манфаатлар тўқнашувининг коррупция кўринишлари бўлган хизмат ваколатидан фойдаланиб ўзганинг мулкани талон-ғарож қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суинистёмол қилиш, порохўрлик жиноятлари билан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари таҳлил қилинган. Коррупциянинг давлат ва жамиятга етказётган зарарлари аниқ рақамларда ифодаланган (Ўзбекистонда ўтган икки йилда 1 минг 986 нафар мансабдор шахс коррупциявий жиноятларни содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, бундай жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарар миқдори 2 триллион сўмдан ошган).

Тадқиқотчи томонидан миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда, манфаатлар тўқнашувига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар махсус ва умумий хусусиятига кўра таҳлил қилинган. Хитой, Канада, Хорватия, Ирландия, Чехия каби давлатларда манфаатлар тўқнашуви алоҳида махсус қонун билан тартибга солинганлигидан келиб чиқиб, мамлакатда «Манфаатлар тўқнашувини ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида»ги махсус Қонунни қабул қилишга эҳтиёж мавжудлиги асосланган.

Шунингдек, манфаатлар тўқнашувига оид норматив асосларни ривожланиш даврига кўра уч босқич, яъни биринчи босқич (Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бошлаб Коррупцияга қарши конвенцияга қўшилишигача), иккинчи босқич (2008 йилдан «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилингунигача), учинчи босқич (2017 йилдан бугунги кунга қадар)га бўлиш мумкинлиги асослантилган.

Бу борада, дастлабки босқичларда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича фундаментал асослар яратилганлиги қайд этилиб, охириги 5 йилда амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотлар мамлакатда манфаатлар тўқнашувини самарали бошқаришда ижобий ечим бўлаётганлиги исботлаб берилган.

Бундан ташқари, манфаатлар тўқнашувининг замонавий кўринишлари юзага келаётганлигидан келиб чиқиб, амалдаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш зарурати асослаб берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари**» деб номланиб, давлат органларининг манфаатлар тўқнашувини олдини олишга оид фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда чеклов ва тақиқларнинг аҳамияти таҳлил қилиниб, миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида таклифлар илгари сурилган.

Диссертант давлат органларининг манфаатлар тўқнашувини олдини олишга оид фаолиятини таҳлил қилишда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича қандай ҳуқуқий амалиёт, ташкилий жиҳатдан эса қандай тузилмалар фаолияти йўлга қўйилганлигини ўрганиб, эришилган натижаларни адлия, солиқ, молия, монополия, таълим ва бошқа соҳалар кесимида таҳлил қилган. Бу борада айрим давлат органларида манфаатлар тўқнашувига қарши курашиш сиёсати четда қолганлиги, бу борада ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш ва ташкилий тузилмаларни жорий этиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Бундан ташқари, тадқиқотчи томонидан коррупция ва манфаатлар тўқнашувига қарши курашиш бўйича махсус ваколатли органлар сирасига Коррупцияга қарши курашиш агентлиги киритилмаганлигидан келиб чиқиб, бу борада «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш киритиш асосида рўйхатга мазкур Агентликни ҳам киритиш бўйича таклиф илгари сурилган.

Диссертант одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишни манфаатлар тўқнашувини олдини олишда самарали механизм сифатида таҳлил қилиб, амалдаги Одоб-ахлоқ қоидалари намунавий ҳарактерга эга эканлиги ва кўплаб масалаларни четда қолдирганлигидан келиб чиқиб, давлат хизматчиларининг ягона Одоб-ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш бўйича таклиф билдирган. Бу борада Канада, Буюк Британия, Япония, Россия ва Қозоғистон каби давлатларнинг тажрибалари ўрганилган.

Шунингдек, тадқиқотчи томонидан давлат фуқаролик хизматида тақиқ ва чеклов масалалари илмий-назарий, шунингдек амалдаги миллий қонунчилик нормалари асосида ўрганилиб, ҳуқуқ тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Давлат фуқаролик хизматини, давлат хизматчилари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми, вазифа ва ваколатларини аниқлаштириш нуқтаи назаридан «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонунни қабул қилишга катта эҳтиёж мавжудлиги илмий асослантирилиб, Қонунда тақиқ ва чекловларнинг ягона рўйхатини шакллантириш бўйича таклиф билдирилган. Давлат хизматчиларига бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ давлат хизмати органи (лавозими)да ишлаш, совға-салом, моддий қимматликлар олиш амалиётини бекор қилиш лозимлиги асослаб берилган. Амалдаги Меҳнат кодексига иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан бири сифатида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ходимни лавозимдан озод этиш тартибини жорий этишга қаратилган таклифлар илгари сурилган.

Шунингдек, давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини қандай ҳал қилиш бўйича аниқ тартиблар белгиланмаганлигидан келиб

чикиб, «Манфаатлар тўқнашуви вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида»ги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилган.

Диссертациянинг учинчи боби «Давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш механизmlарини такомиллаштириш масалалари» деб номланиб, хорижий мамлакатлар давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, шунингдек давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган.

Мазкур бобда хорижий мамлакатларда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича шаклланган амалиёт, ҳуқуқий нормалар, шунингдек жаҳон тажрибаси ва миллий ҳуқуқ тизимининг жорий ҳолатидан келиб чикиб, давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари таҳлил қилинган.

Диссертант хорижий мамлакатларнинг манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича ҳуқуқий сиёсатини аниқлаб, ижобий ютуқларини миллий ҳуқуқ тизимига жорий этиш ҳамда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий механизмлари такомиллаштириш бўйича истикболли таклифлар ишлаб чиққан. Ўзида аниқ стандарт ва индикаторларни акс эттирган коррупция ва манфаатлар тўқнашувига қарши курашиш бўйича миллий стратегияни қабул қилиш ва унинг аҳамиятини асослаб берган.

Қонун ҳужжатларини коррупция ва манфаатлар тўқнашувига қарши ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш амалиётини такомиллаштиришнинг зарурати илмий жиҳатдан асосланиб, амалдаги қонун ҳужжатларини, шу жумладан хорижий инвестиция битимларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан қонунчиликка таклифлар ишлаб чиқилган.

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериш механизмини такомиллаштириш, бу борада ўз фаолиятида манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши ҳақида хабар берган давлат фуқаролик хизматчисини мукофотлаш, лавозим поғоналарини эгаллашда устуворлик бериш, шунингдек хабар берган ўзга шахсларнинг ташкилий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш зарурати асосланиб, бу борада тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар илгари сурилган. Коррупция ва манфаатлар тўқнашувини қабул қилиш ҳолатларини баҳолаш индексларини ишлаб чиқиш ва бу бўйича йиллик рейтингини юритиб бориш бўйича ҳулосаларга келинган.

Давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олишда тизимда мавжуд хавф-хатарларни олдиндан баҳолаш ва «ҳалоллик стандарти»ни жорий этиш, мустақил баҳоловчи, хорижий аудитор ва экспертларни жалб этиш, аниқланган ҳуқуқбузарлик натижасида жазо билан бир қаторда, етказилган зарарни қоплаш механизмини жорий этиш кераклиги илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилиб, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганликка нисбатан Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Жамоатчилик назорати, журналист ва блогерлар фаолиятининг манфаатлар тўқнашувини олдини олишдаги аҳамияти таҳлил қилиниб, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунга давлат органларининг коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича фаолиятини жамоатчилик назорати объектларидан бири сифатида киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган. Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган давлат хизматчилари тўғрисидаги маълумотларни сайт ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, бу борадаги шахсларнинг реестри ва «қора рўйхати»ни юритиш, интернет сайтлари, махсус бот ёки мессенжерлар орқали давлат хизматчиларига баҳо бериш тизимини йўлга қўйиб, уларнинг фаолиятида оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик иштирокчини кучайтириш зарурати асослаб берилган.

Тадқиқотчи манфаатлар тўқнашувини олдини олишда давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулкни декларация қилишнинг заруратини илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиб, «Давлат фуқаролик хизматчиларининг даромад ва ҳаражатларини декларация қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишни таклиф этган. Бу борада даромад билан бир қаторда ҳаражатларни, шунингдек манфаатлар тўқнашувини ҳам декларация қилиш мақсадга мувофиқлигини асослаб берган. Шунингдек, давлат харидлари соҳасида манфаатлар тўқнашуви келиб чиқадиган ҳолатлар аниқланиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, янги ишга қабул қилинган давлат хизматчилари учун коррупция ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этиш, мазкур курслардан ўтишни мажбурий этиб белгилаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот коммуникация технологияларини кенг қўллаш, бу бўйича «Рақамлаштиришнинг минимум талаби»ни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

ХУЛОСА

«Давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари» мавзусида ўтказилган тадқиқот натижасида қуйидаги назарий ва амалий хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Илмий-назарий хулосалар:

1. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати турли йўналиш ва соҳалар кесимида, тармоқ хужжатлар асосида олиб борилаётганлигидан келиб чиқиб, ўзида давлат фуқаролик хизматида коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган устувор вазифаларни акс эттирган, беш йиллик истиқболга мўлжалланган «Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегияси»ни қабул қилиш ва бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий ислохотларни (норматив-хужжатлар пакетини) мазкур стратегия асосида олиб бориш илмий-назарий жиҳатдан асослантирилди;

2. Давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувини олдини олишга нисбатан ҳуқуқий муносабат фақатгина коррупцияга қарши курашиш доирасида амалга оширилганлиги, махсус муносабат шаклланмаганлиги, биринчи маротаба давлат бошқарувида мазкур тушунчага эътибор 2016 йилдан бошлаб ривожланганлиги асослаб берилди;

3. Давлат фуқаролик хизмати давлат хизматининг бир тури эканлиги, унинг асосини давлат бошқаруви органларидаги фаолият ташкил этиши, шунингдек давлат фуқаролик хизматининг махсус, ҳарбий ва дипломатик хизматлардан ажралиб туриши илмий-назарий жиҳатдан асосланди;

4. «Манфаатлар тўқнашуви», «тақиқ» ва «чеклов» тушунчаларининг юридик табиати, шакллари ва ўзига хос жиҳатлари аниқланиб, мазкур тушунчаларга қўйидаги муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

«манфаатлар тўқнашуви – бу шахснинг ўз хизмат вазифаларини лавозим йўриқномаларида, одоб-ахлоқ қоидаларида, шунингдек норматив ва бошқа ички локал ҳужжатларда белгиланган қоидаларга зид равишда, шахсий ёки учинчи шахслар манфаати йўлида бажариши ёки бажармаслиги натижасида шахсий ва учинчи шахслар манфаати билан давлат, жамият ва шахсларнинг қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва манфаатлари ўртасида юзага келадиган ёхуд юзага келиши мумкин бўлган қарама-қаршилик тусидаги вазиятдир»;

«тақиқ – бу давлат томонидан махсус норматив-ҳуқуқий ёки ички локал ҳужжатлар асосида белгиланган, лавозим вазифалари ва хусусиятларидан келиб чиқиб муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширишни кескин тақиқлайдиган давлатнинг умуммажбурий кўрсатмаси»;

«чеклов – бу давлат хизматчилари учун давлат томонидан махсус норматив-ҳуқуқий ёки ички локал ҳужжатлар асосида белгиланган, фақатгина муайян тартиб ва мезонлар асосида ваколатлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий чегарасини белгиловчи механизм ҳисобланади»;

5. «Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш механизми» ва «Коррупцияга қарши курашиш» тушунчаларига таърифлар ишлаб чиқилди:

«Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш механизми – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, олдини олиш ва ҳал этишга қаратилган, муайян босқич ва тартиблар асосида амалга ошириладиган таъқиқий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи»;

Коррупцияга қарши курашиш – бу ваколатли давлат органлари ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик вакиллари ва фуқароларнинг коррупция ва унинг турли кўринишларини ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва муносиб ҳал қилиш, шунингдек оқибатларини минималлаштириш бўйича комплекс фаолият»;

6. Қонунчиликка давлат хизматчиларининг манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш юзасидан хабар бериш мажбуриятини бажармаганлик учун ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш зарурлиги, шунингдек хабар берган шахсларнинг ташкилий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш бўйича асослантирилган таклифлар илгари сурилди;

7. Давлат фуқаролик хизмати органларида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадида жамоатчилик назорати шакллари (жамоатчилик эшитуви, мурожаатлар ва сўровлар, жамоатчилик фикрини ўрганиш, мониторинг) ҳамда жамоатчилик палатаси хулосалари ва жамоатчилик назорати натижаларини давлат органлари фаолиятига баҳо беришда инобатга олиш тартибларини белгилаш зарурати асослантирилди;

8. Фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги маъмурий тартибга солиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва бюрократик тўсиқларни камайтириш, соҳага замонавий маъмурий тартиб-таомилларни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонунини янги тахрирда қабул қилиш зарурати илмий-назарий жиҳатдан асослантирилди.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар:

